

Йикилганни кўлламок — марднинг иши!

Хива шахридан. Пурёр лакаби билан машхур. Баъзилар Паккаёр дейдилар. Хоразмлик кишидан сўрадим, Паккаёр тўғрирок экан. Ўз даврининг мислсиз курашчиси, хуштабъ шоир бўлгани билан бирга, яширин тарзда тарикатда риёзатлар тортиб, файз оламидан кўнгли бахраманд киши эди.

Хинд мулкидан бир заргар келиб, Хиндистон подшоҳидан Пахлавон Махмудга даъватнома келтирган эмиш. Пахлавон унинг жавобига бу рубойни битибди:
Заргарбача ар гуфт рахи Мултонро,

Овард ба ман койдаи султонро,

3-он жо, ки ману химмати ёрони ман аст, Як жав нахарам чунаи Хиндустонро.

(Маъноси:

Заргар йигит менга Мўлтон йўлидан гапирди, Султон мактубини менга етказди.

Мен ва дўстларимнинг химмати баланддир, Хиндистон мулкани бир арпага ҳам олмасман.)

Аммо гойибдан унга бориш тўғрисида ишорат етди. Хиндистонга борди. Хинд мулки подшоҳининг бир курашчиси бор эди. Пахлавон Махмудни чакиришдан максад ҳам у билан курашга солмок эди. Пахлавон билан мулокот килганида бу ниятини маълум килиб, эртасига халкни тўплаб, катта майдонда кураш мусобакасини ўтказишга келишилди. Кечаси Пахлавон Махмуд ўз одати бўйича кабристонга бориб, ибодат амалларини бажо келтираётганда бир қари заифани муножот килаётганини кўрибди. Кампир Тангрига муножот килиб ёлворардиким, Худоё, бу келган пахлавон курашчи маъракасидан менинг ўғлимни шарманда чиқармагайсен!

Пахлавон бу аёл хиндистонлик курашчининг онаси эканлигини англабди. Эртага курашда йикилмокни кўнглига тугиб кўйибди.

Эртаси куни подшоҳ амри билан катта издиҳом тўпланиб, икки курашчи ўртага тушганларида, Пахлавон Махмуд ўзи билан муқаррар килганидек, бир-икки хамла талашганидан сўнг йикилади. Накл килишларича, елкаси ер кўрган маҳалда назари осмонга тушиб, малакут олами пардалари кўтарилиб, кўзига жилвагар бўлибди. Подшоҳ ҳам муродига етганидан хурсанд бўлибди. Аммо Пахлавон Махмудни махсус чакиртиргани учун хос мехмон сифатида кўп иззат-икром килибди.

Бир куни подшоҳ токка овга чикиб, Пахлавон Махмудни ҳам таклиф килибди. Сайд орқасидан кувганида баланд бир қоядан сакраб ўтибди. Подшоҳ оти жиловини саклай олмабди. Отнинг орқа оёқлари камар четда қолиб, икки олди туёғи осмонга кўтарилган чоғда Пахлавон Махмуд отни суворий билан кўшиб озод кўтариб, текис ерга кўйибди.

Подшоҳ хайрат билан айтибди:

«Бунча куч-қувват билан бизнинг курашчидан йикилганинг ажабланарлидир». Пахлавон бу рубой билан жавоб берибди:

Гар бар сари нафси худ амири, марди, Дар ёдгари нукта нагири, марди.

Марди набувад фитодаро пой задан, Гар дасти фитодае бигири, марди.

(Маъноси:

Ўз нафсингга хоким бўлсанг, марддирсан.

Эслаганда айб кидирмасанг, мардсан.

Йикилганни тепиш мардликдан эмас.

Йикилганни кўлласанг, ўшанда мардсан.)